

28.09.2022 даги

"ISHONCH ALO SIFAT QURILISH" MCHJ ва Гулистон шаҳар ХТБ ўртасида 29339000,00 сўм умумий
суммага тузилган 1 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 075
Шахсий ғазна ҳисобварак 100022860244017092100075033

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда
	4232200			Жами
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь	29 339 000,00			
Октябрь				29 339 000,00
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	29 339 000,00			29 339 000,00

Жами 29339000,00 сўм

Йигирма тўққиз миллион уч юз ўттиз тўққиз минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 0,00 сўм ёки 0%*** шартноманинг умумий суммасидан
_____ % ***20 _____ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига _____ % жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



М.ў

[Signature]
(имзо) Артиков Самандар Орзикулович
Ф.И.Ш

Буюртмачи бош бухгалтери

[Signature]
(имзо) Азамов Умид
Ф.И.Ш

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

Буюртмачи ходими
қабул қилди

_____ (имзо)

_____ (имзо)

« _____ » 20 _____ й.

« _____ » 20 _____ й.

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 1

Гулистон шаҳар

«_28_» сентябр 2022 йил

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Гулистон шаҳар ХТБ номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбар С.Артиков бир томондан «ISHONCH ALO SIFAT QURILISH» МЧЖ кейинги ўринда “Пудратчи” деб юритиладиган номидан Низом асосида иш кўрувчи корхона раҳбари Т.Мадраимов иккинчи томондан пудрат шартномасини тuzдилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

Қурилиш объекти – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган объект.

II. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан лойихада кўзда тутилган объект Гулистон шаҳар ХТБ га қарашли 14-сонли умумий ўрта таълим мактаби хожатхонасини жорий таъмирлаш бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи танлов савдоси натижасида аниқланган барча солиқлар, йигимлар ва ажримларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ККС билан **29 339 000 (Йигирма тўққиз миллион уч юз ўттиз тўққиз минг)** сўмни ташкил этади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимда назарда тутилган ишларини бажариш учун:

Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1- иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва мудатларда ўзининг кучлари (бош пудратчи ташкилотининг иш ҳажми 50 фоиздан кам бўлмаслиги керак) ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш; Қурилиш жараёнида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер учаскасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларининг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

6. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура - қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайт этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун давомида Пудратчига ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

7. Пудратчи биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.
8. Томонларнинг келишувига мувофиқ қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошлангундан эътиборан **30** кунни ташкил этади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР.

9. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказилади, бу **8 801 700 (саккиз миллион саккиз юз бир минг етти юз)** сўмни ташкил этади.
10. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолиниши хисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоиз буюртмачи томонидан тасдиқланган хисоб-фактурага асосан хисобот ойдан кейинги ойида амалга оширилади.
11. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.
12. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб кирик беш кун **мобайнида** бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

13. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини-техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назорати амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
14. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
15. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.
16. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки)унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларнинг уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ .

17. Пудратчи ишлар бошланишидан таъмирлаш тугаллангунча ва таъмирлаш тугалланган объект буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар объектни зарур даражада қўриқланиши таъминлайди.
18. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради .

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

19. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этадилар.
- Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.
20. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШНИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШИ.

22. Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибда мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин амалга оширилади.

23. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

24. Пудратчи жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаш керак.

25. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. КАФОЛАТЛАР

26. Пудратчи:

Барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

хар ойда бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқловчи (ойлик ҳисобат) ҳисоб-фактурани ҳисобот даврининг 5 санасига топширишни;

узи томонидан капитал таъмирлаш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди,

27. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзоланган кундан бошлаб камида 1 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

28. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у холда кафолат муддат нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммаси Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

29. Буюртмачи Пудратчи томонидан сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилган ишлар ҳажмини инвестордан маблағ ажратилгандан сўнг 3 кун ичида тўлаб беришни кафолатлайди.

XIII. ШАРТНОМА БЕКОР ҚИЛИШ

30. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин капитал таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда:

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даража бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

31. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб ҳуқуқига эга.

32. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

33. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

34. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

35. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасино.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИК.

36. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон;

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодексига, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

37. Мазкур шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5** фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг **50** фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартномага шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

38. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортирилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортирилган сумманинг **0,5** фоизи миқдорига жарима тўлайди.

39. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5** фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг **50** фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказилиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,5** фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50** фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчининг ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

40. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи “Даврархитектқурилишназорат” инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг **0,5** фоизи миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

41. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур молдада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга тарафидан

инган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой
рилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

42. Муддат ўтказиб юборганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада
бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод
қилмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

43. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарни қоплашда
пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун ҳужжатларида
белгиланган тартибда Сирдарё вилояти хужалик суди томонидан кўриб чиқилади.

XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

44. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар
ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро
келишувлари ўз кучини йўқотади.

45. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда
расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

46. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги
мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур
шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига
тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод
қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

48. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун
ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

49. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.


50. Мазкур Шартнома икки нусхада тузилади. Иқкала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга
бўлиб **2022 йил 31 декабрга** қадар амалда бўлади. Томонларнинг ҳар бирида мазкур

Шартноманинг бир нусхаси сақланади.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

БУЮРТМАЧИ:

ПУДРАТЧИ:



Раҳбар (директор):

С.Артиков



Ташкилот номи :«ISHONCH ALO SIFAT URILISH»
МЧЖ

Манзил: Гулистон шаҳар Истиклол МФЙ

Янги қурилиш 13 уй


СТИР коди:306608993

X/P 20208000005108424001

Банк: Сапоатқурилиш банк АТБ Сирдарё
минтақавий филиали

МҲО: 00440

Раҳбар (директор): Т.Мадраимов



МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

По объекту: Текущий ремонт биотуалета Школы №14 в городе Гулистане Сырдарьинской области

Генподрядчик: «ISHONCH ALO SIFAT QURILISH» МЧЖ


Срок строительства: 30 дней

№	Иш тури	Жами	2022 йил	
			Сентябр	Сентябр
1	Аванс 30%	8 801 700,0	8 801 700,0	-
2	Текущие финансирование 70%	20 537 300,0		20 537 300,0
	Итого:	29 339 000,0	8 801 700,0	20 537 300

Буюртмачи



Пудратчи



Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 151461 на приобретение Гулистон сахар Бахор МФЙ да жойлашган 14-мактаб хожатхонасини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 26.09.2022

Время рассмотрения 26.09.2022 11:00

Закупочная комиссия Халк таълими булими Аппарат, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	ARTIKOV SAMANDAR ORZIKULOVICH	Претседатель комиссии	Претседатель комиссии
Секретарь комиссии	NORINBERDIYEV FARXOD ARIFJONOVICH	Секретарь комиссии	Секретарь комиссии
Член комиссии	XODJIYEV DOSTONBEK MAVLANKULOVICH	Член комиссии	Член комиссии
Член комиссии	ISRAILOV ABROR AKRAMOVICH	Член комиссии	Член комиссии
Член комиссии	XASHIMOV URAZALI MADJITOVICH	Член комиссии	Член комиссии
Член комиссии	XIDIROV SARDOR BARATBOY O'G'LI	Член комиссии	Член комиссии

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 26.09.2022 года № лота 151461.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 75

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту зданий
Подробное описание	Гулистон сахар Бахор МФЙ да жойлашган 14-мактаб хожатхонасини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	29 339 771.00
Стартовая сумма	29 339 771.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Курилиш майдончасини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома. объектни олдиндан куздан кечириш далолатномаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш майдончасини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома. объектни олдиндан куздан кечириш далолатномаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ISHONCH ALO SIFAT QURILISH MCHJ	20	20	20	Экспертная		
OOO BRK GULISTON	20	20	20	Экспертная		

Критерий №2 Давлат солик кумитасининг расмий веб-сайтида шубхали корхоналар руйхатига киритилмаганлиги, кушилган киймат солиги туловчиси булса унинг гувоҳномаси фаоллиги, солик ва йигимларни тулаш

Тип: Текстовое значение

Описание: Давлат солик кумитасининг расмий веб-сайтида шубхали корхоналар руйхатига киритилмаганлиги, кушилган киймат солиги туловчиси булса унинг гувоҳномаси фаоллиги, солик ва йигимларни тулаш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ISHONCH ALO SIFAT QURILISH MCHJ	20	20	20	Экспертная		
OOO BRK GULISTON	20	20	20	Экспертная		

Критерий №3 Ишчилар сони

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишчилар сони

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ISHONCH ALO SIFAT QURILISH MCHJ	20	20	10	Экспертная		
OOO BRK GULISTON	20	20	15	Экспертная		

Критерий №4 Кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектни ўз вақтида сифатли таъмирлаш учун кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ISHONCH ALO SIFAT QURILISH MCHJ	20	20	20	Экспертная		
OOO BRK GULISTON	20	20	15	Экспертная		

Критерий №5 Маълумотларнинг хакконийлиги ва бириктириладиган файлларнинг калбаки эмаслиги танлов иштирокчиси жавобгардир, агар ушбу холатлар кузатилса танлов иштирокчиси автоматик равишда танловдан четлаштирилади ҳамда конунда назарда тутилган тегишли жавобгарликка тортилади. Розилик аризаси тақдим этиш

Тип: Текстовое значение

Описание: Маълумотларнинг хакконийлиги ва бириктириладиган файлларнинг калбаки эмаслиги танлов иштирокчиси жавобгардир, агар ушбу холатлар кузатилса танлов иштирокчиси автоматик равишда танловдан

четлаштирилади ҳамда конунда назарда тутилган тегишли жавобгарликка тортилади. Розилик аризаси тақдим этиш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ISHONCH ALO SIFAT QURILISH MCHJ	20	20	20	Экспертная		
ООО BRK GULISTON	20	20	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО BRK GULISTON	29 339 771.00	29 339 771.00 UZS	29 339 771.00	00.00	29 339 771.00	26.09.2022 09:33:38	9.99974
ISHONCH ALO SIFAT QURILISH MCHJ	29 339 771.00	29 339 000.00 UZS	29 339 000.00	00.00	29 339 000.00	26.09.2022 09:28:11	10

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО BRK GULISTON	72	9.99974	81.99974
ISHONCH ALO SIFAT QURILISH MCHJ	81	10	91

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 151461 от 26.09.2022 года на приобретение Гулистон сахар Бахор МФЙ да жойлашган 14-мактаб хожатхонасини жорий таъмирлаш определила победителем:

ISHONCH ALO SIFAT QURILISH MCHJ
306608993

и резервный исполнитель: ООО BRK GULISTON (204769688)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ARTIKOV SAMANDAR ORZIKULOVICH	Согласен	
Член комиссии	XODJIYEV DOSTONBEK MAVLANKULOVICH	Согласен	
Член комиссии	ISRAILOV ABROR AKRAMOVICH	Согласен	
Член комиссии	XASHIMOV URAZALI MADJITOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyekti) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"ISHONCH ALO SIFAT QURILISH" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyekti tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"ISHONCH ALO SIFAT QURILISH" MCHJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

29.07.2019

747440

Solig to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306608993

Tashkiliy-huquqiy

shakli:

Joylashgan joyi:

Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, Istiqol MFY Yangi qurilish ko'chasi, 13-

uy,

Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, DAVLAT XIZMATLARI

tomondan
berilgan

MARKAZI

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi):



**GULISTON SHAHAR XALQ TA'LIMI BO'LIMI
YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUNCHILIK
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

№ JC11567667

1. Loyihaning turi: Shartnoma № 1-son.

2. Loyihaning turkumi: Guliston shahar Boxor MFY da joylashgan 14-sonli maktab xojatxonasini joriy ta'mirlash haqida.

3. Loyihaning ishlab chiquvchisi va "E-huquqshunos" elektron tizimiga kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Guliston shahar Xalq ta'limi bo'limi bilan "Ishonch alo sifat qurilish" MCHJ o'rtasida ishlab chiqilgan va umumiy bahosi 29 339 000 (yigirma to'qqiz million uch yuz o'ttiz to'qqiz ming) so'm bo'lgan hamda 2022-yil 28-sentabr kuni "E-huquqshunos" elektron tizimi orqali huquqiy ekspertizaga taqdim etilgan shartnoma loyihasi.

4. Loyiha bo'yicha taklif:

Mazkur shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni va boshqa amaldagi qonunchilik hujjatlari asosida huquqiy ekspertizadan o'tkazilib, unga ko'ra:

- Shartnoma loyihasining amaldagi qonunchilik hujjatlari talablariga javob berishini va qonunga mos holda tuzilganligini;

- Tomonlarning shartnomada ko'rsatilgan mulkiy javobgarliklari va o'zaro nizolarni hal qilish yo'llari O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni asosida belgilanganligi aniqlandi.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra,

XULOSA:

Mazkur shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiqdir.

Markaz bosh yuriskonsulti



A.Ortiqov

28.09.2022 yil

ТАНЛАШ БАЁННОМАСИ

"28" сентябр 2022 йил

Гулистон шаҳар

Катнашдилар

Хайъат раиси

Бўлим муdiri:

С.Артиков

Котиб

Бўлим иш юритувчиси:

Ф.Норинбердиев

Аъзолари

Бош ҳисобчи :

У.Азамов

Махсус таъмирлаш-эксплуатация бошлиги:

Ў.Ҳашимов

Бош ҳисобчи ўринбосари:

А.Исроилов

Ҳисобчи

Д.Ходжиев

**«ISHONCH ALO SIFAT
QURILISH MCHJ» ХК таклифини ўрганиб чиқиш
«ООО BRK GULISTON» МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш**

КУН ТАРТИБИ

Кун тартибида қўйилган масала юзасидан бўлим муdiri С.Артиков сўзга чиқиб, йиғилиш катнашчиларига Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида" ги 684-сонли қонунинг 7-боб 60-моддасининг талабларига мувофиқ Гулистон шаҳар 14-умумий ўрта таълим мактаби био хожатхонасини жорий таъмирлаш учун «ISHONCH ALO SIFAT QURILISH MCHJ» ХК, «ООО BRK GULISTON» МЧЖ лардан электрон тарзда тижорат таклифлари олинганлигини маълум қилди. Ҳайъат аъзолари ҳамда таклиф берувчиларнинг вакиллари иштирокида келиб тушган электрон таклифлар кўриб чиқилганда куйидагилар маълум бўлди

№	Объектнинг номи ва манзили	ISHONCH ALO SIFAT QURILISH MCHJ		ООО BRK GULISTON	
		Нархи (сўмда) ҚҚС билан	Бажариш муддати (кун)	Нархи (сўмда) ҚҚС билан	Бажарилиш муддати (кун)
1	Гулистон шаҳар 14-сонли ўрта таълим мактабини био хожатхонасини жорий таъмирлаш	29 339 000	30	29 339 771	35

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш талабларидан келиб чиқиб комиссия қарор қилади.

1. «ISHONCH ALO SIFAT QURILISH MCHJ» ХК Гулистон шаҳар 14-сонли ўрта таълим мактаби био хожатхонасини жорий таъмирлашни сифатли таъмирлаши сабабли, «ISHONCH ALO SIFAT QURILISH MCHJ» ХК билан шартнома тузиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.
2. Ушбу 151461 сонли лот рақами бўйича Гулистон шаҳар ХТБ тасдиқлаган танлаш баённомаси юзасидан ҳеч қандай эътироз ёки норозиликлар юзага келмади
3. Овозга қўйиш натижасида 6 та овоз билан «ISHONCH ALO SIFAT QURILISH MCHJ» ХК голиб чиқди. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ҳайъат

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1 ISHONCH ALO SIFAT QURILISH MCHJ» ХК «ООО BRK GULISTON» МЧЖ таклифларини ўрганиб чиқиш ташкилотларидан тушган таклифлар эътиборга олинсин

2 танлов голиби деб ISHONCH ALO SIFAT QURILISH MCHJ» ХК эълон қилинсин ва ушбу ташкилот билан 29 339 000 сўмга шартнома тузиш мақуullanсин

Аъзолари

Бўлим муdiri:

С.Артиков

Котиб

Ф.Норинбердиев

Бош ҳисобчи:

У.Азамов

Махсус таъмирлаш-эксплуатация бошлиги:

Ў.Ҳашимов

Бош ҳисобчи ўринбосари:

А.Исроилов

Ҳисобчи

Д.Ходжиев